



ИШОНЧ

45

1992
йил
9—15
ноябрь
(84)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ХИРМОНГА БАРАКА!

КУНИ КЕЧА Урта Чирчиқ районидagi Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги пахтакорлари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Улар мавжуд 865 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан ҳосил кўтариб, умумий ҳосилни 2250 тоннага етказишди.

Бу улкан ғалабага Карим Умрияев, Абдуҳолик Пўлатовлар бошчилик қилаётган агрофирма деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар. Бу азаматлар етиштирган ҳосил гектар бошига 30 центнердан ошиб кетди. Шунингдек, «зангори этак»лардан 95—100 тоннадан «оқ олтин» тўккан Жалил Муродов, Отабек Низомов, Абдуолим Пўлатов сингари механик-ҳайдовчилар механизаторлар орасидagi мусобақада ғолибликни қўлдан бермай келаётирлар.

Жамоа хўжалиги пахтакорлари бор имкониятларни ҳисоблаб кўриб, ҳосилдорликни 31 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

Хирмонингизга барака, азамат пахтакорлар!

«ИШОНЧ» мухбири.



Сурхондарё вилояти, Ангор районидagi Маматқул Азизов номидаги жамоа хўжалиги аъзолари ингичка толали пахтадан юқори ҳосил етиштириб гектаридан 25 центнердан хирмон кўтардилар. Ҳимматингизга балли, азамат пахтакорлар!

Суратда: Хўжалик бошқаруви раиси Абил Бўронов (чапдан иккинчи) 10-бригада теримчилари Ш. Жўраева, Ж. Ортикова, С. Абдуназарова, З. Кенжаева ва Т. Раҳимовлар билан суҳбатлаш-моқда.

КОНЦЕПЦИЯ ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА

● **ТАРМОҚ** қасаба уюшмаси дастури ва низоми «Ўзбекгеофизика» геология ишлаб чиқариш бирлашмасида қандай бажарилаяпти? Берилган ҳуқуқлардан қасаба уюшмаси гуруҳлари кўмитаси ҳозирги шароитда қандай фойдаланаяпти?

Шунга ўхшаш масалалар Ўзбекистон геология, геодезия ва картография ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси пленумида атрофлича муҳокама қилинди.

Бу ҳақда бирлашма қасаба уюшмаси гуруҳлари кўмитаси раиси Ф. Мирхамидов маъруза қилди. Марказий кўмита раисининг ўринбосари Г. И. Степановнинг кўшимча маърузаси ҳам тингланди.

Пленум қатнашчилари республика бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида Ўзбекистон қасаба уюшма ҳаракатини ривожлантириш концепцияси ва қасаба уюшма аъзолигини асослаш муаммоси айрим жиҳатларининг лойиҳасини ҳам муҳокама этиб, бир қатор муҳим тақлифларни ўртага ташладилар. Бундай муҳокама лари кўйи гуруҳларда кенг ташкил этиш зарурлиги пленумда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КўРИЛДИ

● **ЎЗБЕКИСТОН** давлат муассасалари ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитасининг IV пленумида ҳозирги шароитда қасаба уюшмаларининг стратегияси ва тактикаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов маъруза қилди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Г. Я. Шопин ўз аризасига кўра ҳамда бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон давлат муассасалари ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси вазифасидан озод этилди.

Марказий кўмита ишига раҳбарлик қилиш кўмита раёсатининг аъзоси, давлат муассасалари ходимлари қасаба уюшмаси Фарғона вилояти кўмитаси раиси М. Махмедов зиммасига вақтинча юқлатилди.

Пленум ишида давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари ходимлари Федерацияси Президенти И. Л. Гребенников иштирок этди.

Хабарлар мағзи



● **ТОЖИКИСТОН**даги аҳволни шоянчи равишда муҳокама қилиш, қиргинни тўхтатиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун Олмаотада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбаев, Қирғизистон Президенти А. А. Акаев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири А. В. Козирев ва Тожикистон Республикаси Президенти вазифасини ижро этувчи А. Искандаров учрашдилар.

Учрашув қўшма баёнот қабул қилинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ғалла харид нархларини 1993 йил ҳосилдан бошлаб, дон турларига қараб уни 2,5 баравар

ошириш тўғрисида қарор қабул қилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда шарқ халқлари тафаккури тараккиётига катта ҳисса қўшган аллома таваллуди 1993 йилда республикамизда кенг нишонланиши белгиланган.

● **«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙўЛЛАРИ»** миллий авиакомпанияси Ўзбекистонни Буюк Британия пойтахти билан боғловчи «Тошкент — Лондон» йўналиши бўйича мунтазам учиш қатновини йўлга қўйди.

● **РЕСПУБЛИКАДА** иқтисодий ислохотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссиялари ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон берди.



● **«МОСКВИЧ-2141»** ва «2142-07» маркали автомобилларни олишга энди унча-мунча одамнинг қурбн етмайди. Эндиликда корхона ўз маҳсулоти бўлган битта машинани 1 миллион 65 миң сўмга баҳолаяпти. Бунга кўшимча савдо тармоқларининг кўйган 25 фоизи қўшилса қанча бўлишини ўзингиз ҳисоблайверинг.



● **АМЕРИКА** Қўшма Штатлари Демократлар партиясининг номзоди Билл Клинтон АҚШ Президентлигига ўтказилган сайловда ғолиб чиқди. АҚШнинг 42-президенти 1993 йилнинг 28 январидида касамед қилади.



ДИЙДОР КўРИШДИЛАР


● **РЕСПУБЛИКАМИЗДА** 2—6 ноябрь кунлари бўлиб ўтган ёш ватандошларнинг Халқаро анжуманида ўнлаб хорижий мамлакатларда истикомат қилаётган ҳамюртларимизнинг фарзандлари, набиралари иштирок этишди. Анжуман Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Давлат академик театрида очилди. Анжумани Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот кўмитасининг раиси М. Қорабобоев очди. Республика Президенти Ислам Каримовнинг ёш ватандошларнинг Халқаро анжумани қатнашчиларига йўллаган табригини «Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Давлат маслаҳатчиси У. Азимов ўқиб эшиттирди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазир А. Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Б. Алламуродов ва бошқалар иштирок этишди.

Анжуман қатнашчилари Тошкентдаги бир қанча олий ўқув юр்தларида, саноат корхоналарида, хўжаликларда бўлдилар ҳамда Самарқанд, Бухорони зиёрат қилдилар.

Суратда: анжуман қатнашчиларидан бир гуруҳи. Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.





ЭЛ ТАЪЗИМИ

● **АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, АРДОҚЛИ АДИБ ВА ПУБЛИЦИСТ ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВ** ТУФИЛГАН КУНИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ.

Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг вакиллари ва шаҳримиз меҳмонлари 5 ноябрь куни пойтахтнинг Шароф Рашидов шоҳ кўчаси ва «Правда» газетаси кўчаси чорраҳасидаги мўъжазгина майдонга тўпландилар. Шароф Рашидов оламдан ўтгач дастлаб шу майдонга дафн этилган эди. Уша қабр ўрнида бугун Шароф Рашидов ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкални очишга бағишланган тантанали митинг катта байрамга айланиб кетди. Сўзга чиққан нотиклар марҳумнинг инсоний фазилатлари, Ўзбекистон иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Шу куни Халқлар дўстлиги саройида катта хайрия концерти бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг донддор санъаткорлари иштирок этиб марҳумнинг руҳини шод айладилар. Концертда иштирок этган илғор меҳнат жамоалари ва тадбиркорлар Шароф Рашидов жамғармасини бойитишга ҳисса қўшдилар.

6 **НОЯБРЬ** куни юбилей тантаналари Шароф Рашидов туғилиб ўсган юрт — Жиззах вилоятида давом этди. Шаҳарда митинглар, Шароф Рашидовнинг сафдошлари билан учрашувлар бўлиб ўтди, уй-музейи очилди. Марҳум номи билан аталаётган хўжаликда унинг ҳайкалини очиш маросими бўлди. Митинг қатнашчилари Ш. Рашидовнинг хизматларини муносиб баҳолаб, шунга яраша юксак меҳр-оқибат кўрсатаётган республика ҳукумати ва унинг раҳбарларига чин дилдан ташаккур изҳор этдилар.



ЯНГИЧАСИГА ИШЛАШНИНГ САМАРА-Ю МАШАҚҚАТЛАРИ

шортиклари тикишни йўлга қўйдик. Шу кунларда қурилиш материаллари га талаб ошганини ҳисобга олиб халқ истеъмол моллари — бетон коришмалари, блок ҳамда терра блок гишталар, бетон пойдеворлар ва плиталар ишлаб чиқариш цехини ташкил қилдик. Яқинда калиш тайёрлайдиган цехимиз ҳам ишга тушади.

Хозир ишбилармонликда гап кўп. Бирлашмамизда Хитойнинг Қуйтунь шаҳридаги трикотаж тикув фабрикаси билан ҳамкорликда «Дўстлик-М» қўшма корхонасини ташкил этдик. Улар бизга тикув машиналари, ас-

ди. Хатто ҳадемай ишга тушадиган калиш цехи ишчиларини ҳам Ангренда ўқитиб-келдик. Хуллас, барча ишчиларимизнинг малакасини ошириб, янги касбга тайёрлаяпмиз. Бу йўл ўзини тўла оқлапти.

— Ҳозирги иқтисодий қийин шароитда касаба уюшмаси томонидан ишчиларга қандай шарт-шароитлар, энгилликлар яратилиб, қандай маънавий-иқтисодий ёрдам берилмоқда?

— Ишчилар таъминоти, ҳимояси ҳамиша биринчи галдаги вазифамиз бўлиб келмоқда. Биз шаҳарга қарашли ўрмон хўжалигидан 100 гектар ерни ижарага олиб, ёрдамчи хўжалик ташкил этганмиз. У ерда етиштирилган қовун-тарвузларни ёз бўйи ишчиларимизга арзон нархларда сотдик. 5000 товук ҳам боқяпмиз, етиштирилган тухумлар ҳам ишчиларимизга сотилмоқда. Қишда молхона қуриб, насиб этса баҳордан мол-қўй боқмоқчимиз.

Бирлашмамиз шаҳардан 10—15 чакирим олинса. Лекин биз шу ернинг ўзида ошхона, чойхона, магазин, нонвойхона қурганмиз. Нонвойхонага унни сотиб олиб, келтириб бериш ҳам завод зиммасида. Бирлашмамизнинг маданият саройи, ўз хаваскорлик дастаси бор, 200 ўринли 3 та боғчамиз ишлаб турибди.

Бу йил 20 дан ортик ишчимиз бирлашма касаба уюшмаси томонидан берилган йўлланмалар билан «Чимён», «Чортоқ», «Зомин» санаторий ва дам олиш уйларига бориб келишди. 100 ишчига бепул парҳез таомлар учун ойлик талонлар бердик. Ишчиларимизнинг болаларига ёзда кашшофлар лагерларида дам олишлари учун йўлланмаларнинг 85 фоизини бирлашмамиз тўлади.

— Завод қурган Муқимий номли шаҳарчада сизларнинг ишчиларингиз яшайди деб эшитганман...

— Тўғри, у ердаги кўп қаватли уйи завод ўз маблағига қурган. Мана завод тўхтаганига уч йилдан ошган бўлса-да, бу уйларда турувчиларнинг барча таъминоти — газ, сув, электр ва бошқа харажатларни етказиб бериш ҳамон бизнинг зиммамизда. Ишчиларимиз коммунал хизмат тўловларининг ярмидан озод қилинган. Шаҳарчадан 70 ишчимизга шахсий уй-жой қуришлари учун 6 сотихдан ер участкаси берганмиз. Умуман у ердан ҳозир 800 шаҳарлик уй-жой учун ер олган. У ерда яшовчи 10 минг аҳоли қандай муаммога дуч келса, аввало бизга келиб учрашишди.

Келажакда шаҳардаги савдо ярмаркаларини ушбу мавзегга кўчириб келмоқчимиз, спорт иншоотлари мажмуасини қурмоқчимиз. Кейинчалик бу ерда 20—25 минг аҳоли яшайдиган даха пайдо бўлади.

Посёлкадаги аҳолини иш билан таъминлаш мақсадига у ерда оёқ кийимларини таъмирлаш устaxonаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш цехи, видеобар, аттракцион тирри, автомобиль балонларини ямаш устaxonаси ташкил этганмиз. Уларда меҳнат қилувчилар бирлашмамиз билан шартнома асосида ишлашади.

Маъмурият билан касаба уюшмаси ҳамкорликда бирлашманинг шаҳарчадаги 70 дан ортик уйини тарбиячи ва ўқитувчиларга хусусийлаштириб берди.

— Бирлашманинг истиқболи ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз.

— Келажакда хитойликлар билан бўладиган алокани янада кенгайтирмоқчимиз. Улар билан биргаликда иссиқхона, ишчилар шаҳарчамизда эса Хитой халқ миллий таомлар ресторани очишни, Хитой яхна ичимликлари ҳамда пивоси ишлаб чиқариш корхонаси қуришни мўлжаллаяпмиз. Туркия билан ҳамкорликда шакар ишлаб чиқариш цехини қуриш ниятимиз ҳам бор.

— Анваржон, энди касаба уюшмаси қўмитаси раиси сифатида касаба уюшмаларининг иш юритиши ҳақида қўнглингиздагини айтсангиз.

— Республикамиз муастаклиги каби касаба уюшмаларининг ҳам тобора муастакликка интилиб иш юритишлари яхши бўлаётти. Айниқса бу бошланғич касаба уюшмалари ишини яхшилашда жуда қўл келаяпти.

Бирлашма касаба уюшмамизнинг тўғридан-тўғри кимё саноати тармок касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси билан бевосита алоқадарлиги муаммоларнинг ечилишини осонлаштираётган, моддий ёрдамда ҳам, йўлланмаларни олишимизда ҳам самараси тез сезилаётти.

Истагим, бошланғич касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари янада кенгайтирилса. Кейин ишоналардан олинган солиқларнинг кўп қисми давлат бюджетига ўтиб кетади, шуларнинг бир қисмини корхона ёки касаба уюшма ихтиёрига ўтказилса, даромад солиқлари қамайтирилса яхши бўларди.

Сўхбатдош: Адхам ДАМИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Кўқон кимё заводи ҳақида кўпчилик эшитган. Лекин унинг тақдири, шу кунлардаги аҳоли барчага маълум эмас. Уч йил бурун заводдаги кимёвий моддалар, айниқса, сульфат кислотаси ишлаб чиқарувчи цехдан чиқадиган чиқиндилар, захарли тутунлар таъсиридан атроф муҳит, сув, қолаверса, экологик аҳвол ёмонлашганлиги оқибатида одамларда норозилик уйғотган, кўпчилик бир овоздан бу ҳаёт офатига айланган кимё корхонасининг ёпилишини талаб қилиб чиққан эди. Талаб қондирилди. Орадан уч йилга яқин вақт ўтди. Ҳўш, бу даврда заводда қандай ўзгаришлар юз берди? Ишлаб чиқариш қайси томонга юз бурди? Унинг 10 минг аҳолига мўлжалланган ишчилар шаҳарчасида аҳолининг турмуши қай даражада? Кимёвий ишлаб чиқаришга мослашган ишчилар тақдирини...

Мухбиримиз янги Кўқон «Рустам» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Анваржон НАЗАРОВ билан ана шулар ҳақида сўхбатлашди.

— Анваржон, бирлашманинг хозирги фаолияти билан таништиришдан олдин унинг янги номига тўхталиб ўтсангиз.

— Эски Кўқон кимё заводи ҳақидаги гаплардан хабардор экансиз. У ўз фаолиятини 1989 йилда тўхтатган эди. Уша йили бизга янги бош директор келди. Ниҳоят заводнинг эски иш усулига ҳам барҳам берилди. Барча соҳада янги иш юритишга ўтиштирилди. Биласиз, заводимиз тошлок жойда бунёд бўлган, унинг илк пойдеворига дастлабки гишт қўйган киши ҳамшахаримиз, марҳум Рустам ака Хўжаев бўлган, биринчи директор ҳам у киши эдилар. Номлари унутилиб кетмасин, руҳлари шод бўлсин деб, бирлашмамизга у кишининг номларини қўйдик.

— Давр ўзгарди, завод эски ишлаб чиқаришдан воз кечиб бирлашмага айланибди. Ҳўш, бу ўзгаришлар натижасида ишлаб чиқаришда қандай янгиликларга эришилди?

— Бирлашма ташкил этилгач, дастлаб 50 ўринли тикувчилик цехини очдик. Унда турли-туман халатлар, эркакларнинг ёзлик шимлари, болалар

боб-ускуналар ва хом ашё етказиб беришмоқда. Яқинда бу қўшма корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Хозир заводимиздаги янги цехда хитойлик 26 мутахассис ва ишчилар ишлашаётти. Қўшма корхона келажакда 500 ишчи ўринга эга бўлади. Унинг келажакдаги порлок, чунки 20 фойза маҳсулотни жаҳон бозорига чиқаришни режалаштирганмиз. Бундан икки томон ҳам манфаат кўради.

— Янги шароитда эски заводдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашган ишчилар, мутахассисларнинг тақдири нима бўлди? Улар ишдан кетиб қолишмади? Ахир шундоқ ҳам водийда ишсизлик муаммоси етарли-ку.

— Касаба уюшмаси ҳам, раҳбарларимиз ҳам энг аввало мана шу нарсага жуда хушёр қарадик. Тўғри, завод тўхтагач, кўпгина ишчилар саросимага ҳам тушишди. Аммо биз ҳеч кимни кетказишга уринмадик. Аксинча, барча ишчиларни малака ошириш ва иш ўргатиш курсларига жалб қилдик. Улар тез фурсатда янги касб сирларини ўрганиб олиш-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ
ЛОЙИХАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ЗАРУР

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Конституцияси лойиҳаси жамоамиз тиббий ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинаёпти. Муҳокама вақтида улар ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Лойиҳанинг 39-моддаси соғлиқни сақлаш жабҳасига тааллуқлидир. Бу моддага бепул сўзини қўшиб, «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга», деб ёзилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессияда сўзлаган нутқларида: «Бозор муносабатларига ўтиш — кўр-кўрона мақсад эмас, балки иқтисодий ўнгилаш, жамиятни янгилаш йўли. Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсақда, аммо одамларимиз руҳан қаншоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ», деган эдилар.

Шу сабабли, бугунги кунда тиббиётни бепул қилиб, давлат тиббиётимиз ривожини учун кўпроқ маблағ ажратса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бизнинг назаримизда соғлиқни сақлаш ишлари ҳеч қачон бугунгидек давлатимизнинг гамхўрлигига ва жиддий эътиборига муҳтож бўлмаган, шунинг учун биз бугунги кунда уни ўз ҳолига ташлаб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Вақт ўтиши билан балки келажакда тиббиёт ва халқ таълимоти пуллиқ бўлар. Лекин ҳозир бунинг вақти эмас.

Шунингдек, бугунги кунда айниқса, касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири, бу меҳнатқашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир эмас, шунинг учун лойиҳанинг 56-моддасига «Касаба уюшмалари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этади», жумласидан кейин, «уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилади»; сўзларини қўшиб қўйсак, касаба уюшмаларининг вазифаси ҳам ойдинланган бўларди.

Лола ЖАЛОЛОВА,
Тошкент шаҳар тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

ХАЛҚИМИЗДА «Маслаҳатли тўй тарқамас» деган нақл бор. Ҳар ҳолда лойиҳа янги-янги фикр ва мулоҳазалар билан бойитилгани яхши. Шундай экан, Мустақил республикамиз Асосий қонунининг қабул қилиниши давлатимизда ҳуқуқий жамиятнинг пухта пойдеворини қуриш сари қўйилган дадил қадам бўлишига ишончимиз комил.

Масаланинг яна бир жиҳати ҳам борки, лойиҳада инсон ҳаёти, ижтимоий ва сиёсий фаолиятлари билан боғлиқ барча ҳуқуқий омиллар қамраб олинганига қарамай, баъзи моддалар ноаниқлик ва тўлдириш керак бўлган жумлалардан ҳам ҳоли эмас. Масалан, XIX бобнинг 56-моддасида «Касаба уюшмалари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этади», деб ёзилган. Ҳолбуки, бугунги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида касаба уюшмаларининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бинобарин, худди шу моддага «Касаба уюшма аъзолари ўзларининг демократик асосда сайланган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этади», деган қўшимча жумлалар киритилишини таклиф қиламан.

Орифжон РАҲМАТОВ,
Бухоро районидagi Усмои Юсуф номи жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

МУҲИМ ДАСТУР

ҲОЗИРДА бозор иқтисодиётига ўтин шароитида Ўзбекистон касаба уюшма харажати ривожлантириш Концепцияси ва касаба уюшма аъзоларининг асосий муаммосининг айрим жиҳатлари ҳақидаги лойиҳа Ўзбекистон касаба уюшмалари тўғрисидаги қонуннинг тадрижий давомини деса бўлади. Бу муҳим ҳужжатда таъин этилган қондалар халқароварликни ифода этиши билан бирга баъзан жузъий тўзатишларга ҳам муҳтож деб биламан.

Лойиҳанинг ижтимоий шароитдаги таъин этилган иккинчи бобидаги фикрларга эътиборини айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Жумладан, унда жамоа шартномаси ишлаб чиқаришда ходимнинг манфаатларини муҳофаза этишининг бош воситаси бўлиб қолмоқда, дейилгани маъқул. Лекин таърибадан маълумки, узоқ йиллардан буён тузиллиб келинаётган жамоа шартномаси кўп ҳолларда тўла баъқарилмаёпти. Айниқса, маъмурият зиммасига юклатилган бандлар батафсил рўйбўта чиқмаёпти. Бу борда касаба уюшмаси қўмитасининг ҳар қанча харажати асос кетганлиги, деб ўйлайман. Менимча, Концепцияда баён қилинган иш ташлаш ҳақидаги фикрлар умумлаштирилиб қуйидагича ёзилиши керак:

«Иш ташлашлар охириги чора сифатида ишчилар синфининг мулкдор билан ёлланма меҳнат ўртастидаги муносабатларда рўй берган инқирозни ҳал этиш усули сифатида ютуққа эришни йўлидаги зарбдор харажатдир».

Талиб ЖўРАЕВ,
Тошкентдаги иккинчи пойабал ишлаб-чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

Саволларга иқтисодчи Санжар РАСУЛОВ жавоб беради.

???

Қайси ҳолатларда меҳнат таътили кўчирилиши мумкин? Ўтган йиллар учун меҳнат таътилига чиқилганда қайси давр иш ҳақи ҳисобидан таътил ҳақи ҳисобланади?

— Агар таътил ҳақи 1990—91 йил учун ҳисобланса нарх-навонинг ортиши муносабати билан ҳукумат томонидан белгиланган компенсация иш ҳақиға қўшиладими?

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги қурилиш давлат қўмитасининг «Хиссоракгидрострой» трести бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси раиси.

А. Тўрабоев,

Бош ҳисобчи.

К. Каримов,

Трест меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиги

З. Алексанова

Трест ҳуқуқшуноси

М. Ходжамов.

— Амалдаги меҳнат қонунларининг 88-моддаси ҳақиқатдан ҳам, алоҳида ҳолларда йиллик меҳнат таътилини жорий йилда ишлаб чиқариш характери сабабларига кўра бериш имконияти бўлмаганда меҳнат таътилини ходимнинг розилиги ва корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба қўмитаси билан келишиб, келгуси йилга кўчирилиши мумкинлигини ва шу билан бир қаторда икки йилдан кўп меҳнат таътилини қўшиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Аммо, бу модда юқорида айтилган ҳаракатлар маъмурият ташаббуси билан бўлган ҳолатларни назарда тутаяди.

Энди, айтайлик ишчи ходимга 1989—90 йиллар учун меҳнат таътили ўз вақтида берилмаган бўлса (сабабларини аниқлашнинг имконияти йўқ) бугунги кунда бу ишчи ходимни ҳақ-ҳуқуқи меҳнат таътилидан фойдаланишда чегараланиши керак эмас, яъни маъмурият бу ишчи ходимни олдида ўз қарзидан (меҳнат таътилини беришда) қутилиши керак. Бу эса меҳнат қонунлари мажмуасининг 85-моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Меҳнат вазирлигининг 1992 йил 10 апрелдаги 479/10—1 рақамли «Давлат бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнат таътили учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаш» ҳақидаги мактубига биноан, бюджет ҳисобидан ойлик оладиган ходимлардан бошқа ходимлар таътилда бўлган даври учун ўртача ойлик иш ҳақи, (қайси даврги меҳнат таътили берилишидан қатъий назар) таътил бериш олдида 12 ой ҳисобига кирувчи иш ҳақларининг ҳаммаси таътилга чиқиш пайтидаги лавозим оклади ёки таъриф ставкаси даражасига кўтарилиб ижтимоий суғурта бадалларига асос бўлган жаъми иш ҳақининг ўн иккидан бир қисми олинади. Бу мактуб иловасида фақат 1991—92 йиллар учун эмас, балки меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини ўзгартириб бериши муносабати билан, хўжалик ҳисобида ишловчи ташкилотларда меҳнат таътилига чиқишдан олдин 12 ой ҳисобидан лавозим

маоши олиб, ишбай, вақтбай ишловчилар учун ўртача иш ҳақи ҳисоблаш усуллари мисол тариқасида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг 1991 йил 26 март 65 рақамли «Чакана баҳоларнинг ортиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимояси» ҳақидаги қарорнинг 5-бандига асосан хўжалик ҳисобида ишловчи корхоналарда белгиланган компенсация асосий иш ҳақиға қўшилади.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Мастура ХОЖИМАТОВА жавоб беради.

???

1. Узим 1931 йилда туғилганман, аммо тушунмовчилик натижасида 1933 февраль ойи қилиб гувоҳнома берилган. Умумий меҳнат стажим 44 йил. 31 йил ўқитувчилик қилдим. 1988 йилдан буён 2 гуруҳ ногиронлик нафақаси оламан. Президентимизнинг янги фармониға асосан, нафақам неча сўм бўлиши керак?

2. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномамга биноан 1993 йилда 60 ёшга тўламан. Шундан сўнг ногиронлик нафақасидан кексалик нафақасига ўтишим мумкинми?

3. Турмуш ўртоғим Асророва Махсумaxon 5 ва ундан ортиқ бола туғиб, 50 ёшида 20 йиллик меҳнат стажи билан 1979 йилда — кексалик нафақасига чиқиб, 1985 йилгача ишни давом эттирди. Нафақасида ўзгартириш бўладими?

Асроров А.

Наманган вилояти,
Чортоқ райони

Адашали ака! Амалдаги қонунга кўра, паспорт ёшни тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Агар ҳужжатларингизда (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ҳарбий билет, хўжалик дафтарлари ва бошқа ҳужжатларда) зиддиятли ёзувлар кўрсатилган бўлса, унда ёшни аниқлаш масаласини яшаб турган жойингиздаги ҳокимият ҳузуридаги ёшни аниқлаш комиссияси кўриб чиқиб ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға асосан, меҳнат нафақаларининг энг кам миқдори шу йил 1 октябрдан бошлаб 2000 сўм қилиб белгиланиб, барча турдаги нафақалар нафақа олувчиларнинг иш стажи ва ўртача ойлик иш ҳақларига боғлиқ қолда қайта ҳисобланиб оширилди.

Бунда нафақа олувчиларнинг нафақага чиққан давридаги иш ҳақлари балгиланган коэффициентларга кўпайтирилиб, ҳозирги даврдаги иш ҳақларига тенглаштирилди. Сўнг уларнинг ўртача ойлик иш ҳақларидан 55 фоизи олиниб, талаб қилинган стажидан (эркакларга 25 йил, аёлларга 20 йил) ортиқча ишлаган ҳар бир тўлиқ йил учун иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилди (75 фоиздан ошмаган ҳолда).

Аризангизни мазмунига қараганда, Сизга 1988 йилда 44 йил иш стажи билан 2-гуруҳ ногиронлик нафақаси кексалик нормасида тайинланган. Сиз 60 ёшга етганингизда кексалик нафақасига ўтсангиз ҳам нафақангизнинг миқдори ўзгармайди. Демак, Сизга 1 сентябрдан янги миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақингизнинг 74 фоизи миқдорида нафақа тайинланади.

Турмуш ўртоғингизга эса нафақага чиққандан сўнг ишлаган даврлари учун иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилади.

???

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 21 сентябрдаги 315 сонли қарорига асосан, қандай имтиёزلардан фойдаланиш мумкин?

И. Хасанов,

Самарқанд вилояти,
Нуробод райони.

Шу қарорға асосан, Улуғ Ватан уруши даврида фидокорона меҳнат қилиб, орден ва медаллар билан тақдирланганлар қуйидаги имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқиға эгалар:

1. Врачнинг рецептиға асосан, дори-дармонларни 50 фоиз арзон нархда сотиб олиш;
2. Маиший хизмат учун (электр энергия, газ, сув) тўланадиган ҳақнинг 30 фоизини чегириб тўлаш;
3. Шаҳар транспортларида бепул юриш;
4. Протез ортопедия буюмларини бепул олиш;
5. Ишламайдиган нафақа олувчилар 2 йилда 1 марта даволаниш учун бепул йўлланма олиш;
6. Боғ уйлари олиш ва боғ участкаларини ободонлаштириш учун фоизсиз қарз олиш;
7. Меҳнат таътиллари ўзларига қулай пайтда олиш;
8. Иш даврида бириктириб қўйилган шифоналардан нафақага чиққандан сўнг ҳам фойдаланиш ҳуқуқиға эгалар.

???

Турмуш ўртоғим билан ажрашганмиз, 6 фарзандим бор, бири армияда, иккинчиси эса вафот этган, 4 боламга 10 сўмдан нафақа оламан. Эрим товон пули тўлайди.

Ёлғиз оналарға белгиланган товон пули менга ҳам тўланадими?

Т. Закирова,

Жиззах шаҳри.

Чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши билан собиқ СССР Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 мартдаги қарорига асосан, 1991 йил 1 апрелдан бошлаб 1,5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга 80 сўм, 6 ёшдан 16 ёшгача (ўқиса 18 ёшгача) 40 сўм миқдорида нафақа тўланади.

Сиз ёлғиз она ҳисобланмайсиз, чунки болаларингизнинг отаси билан ЗАГСдан ўтгансиз ва ҳозирги пайтда алимент олиб турибсиз.

???


1 гуруҳ ногирониман. Менга «Улуғ Ватан уруши ногиронларига белгиланган қонун ва имтиёزلардан фойдаланишга ҳақли» деган гувоҳнома берилган. Қандай тартибда ва қанча миқдорда нафақа олишим керак?

Қ. Набиев,

Сурхондарё вилояти,
Музрабад райони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 октябрдаги Фармониға асосан, 1 октябрдан бошлаб Улуғ Ватан уруши ногиронларининг ва уларга тенглаштирилган 1-гуруҳ ҳарбий хизматчиларнинг энг кам миқдор нафақаси 6250 сўм қилиб белгиланди.

● Саҳифани ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик бўлими тайёрлаган.



Кейинги даврда «Менинг милициям мени асрайди» деган ибора ишлатилганда ҳамсухбатларимиз юзиде истеҳзол жилмайиш акс этадиган бўлди.

Талабалар шаҳарчасидаги тартибсизликларда биринчи галда милицияни айблангани ҳаммага аён.

Амрикода «полицияга ишонамиз!», деб 70 фоиз фуқаролар анкета тўлдирибди ёки у ёқларда митинглар, йиғилишлар, намойишлар бўлмайди-ми? Бўлади. Уларнинг ҳуқуқи ҳам Қонун асосида ҳимоя қилиниши кафолатланган, улар тартиббузарларни осойишталикка чорлаганлари учун обрўси тушиб қолаётгани йўқ. Чунки полиция уларнинг вакили сифатида осойишталик ўрнатиш учун, жиноятчиларнинг олдини олиш учун курашиши ва бу йўлда ўзларига берилган имкониятлардан масъулиятли фойдаланишини халқ билади. Шунинг учун у ҳам ўз навбатида ҳеч қачон халқ ишончини йўқотган эмас, обрўсига ҳам путур етмаган.

вакили милиция капитани Ф. Каримов, Ангрендаги Нуробод кўрғони милиция бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани С. Собиров, Пискент район ички ишлар бўлими участка вакили милиция капитани Т. Мирвосилов кабилар ҳудудларида жиноятнинг содир бўлишининг олдини олишда ўша ҳудудлардаги тарбия, қонунбузарлик ҳолатларини чуқур таҳлил қилинганлиги ҳам асосий сабаблардан деб тан олинмоқда.

Милиция ҳақидаги Қонуннинг тадбир этила борилиши жараёнида Тошкент вилояти милициясининг бир қатор иш услублари ҳақида бошқарманинг шахсий таркибини тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими бошлиғи ички хизмат подполковниги Тоҳир Рихсиев шундай дейди: — Милиция ходимлари фаолияти, уларга нисбатан аҳён-аҳёнда бўлса ҳам содир этилиб турган ғайри-қонуний ҳаракатларнинг кенг тарқалган турлари далиллар ёрдамида ёритилиб,

ги унинг вакили милиция ходимлари билан биргаликдагина муваффақият қозониши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда бу Қонун ўша меҳнат жамоаларида, аҳоли яшаш жойларида муҳокамага қўйилгани йўқ. Ҳалок бўлган милиция ходимлари ёки тан жароҳати олганларга тоvon пули тўлаш бўйича Қонуннинг бажарилиши ҳам унча яхши эмас. Давлат сугурта идоралари 1990 йил 30 декабрдаги 1398 сонли собик ССЖИ Вазирлар Кенгаши қарорига асосланиб, Ўзбекистоннинг 1990 йил 31 октябрида қабул қилинган «Милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қонунини рад этиб, сугурта пуллар тўлашдан ҳам бош тортмоқдалар. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, сугурта идораларига бу Қонун ижро этилиши учун ҳалигача юборилмаган экан.

Айрим ҳолларда биз милиция ходимларига нисбатан қилинган ғайри-қонуний ҳаракатлар бўйича суд ва прокурорлик идоралари томонидан қабул қилинган чоралардан хабарсиз қоламиз.

1991 йил 28 август куни Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими пост хизматининг участка милиционерига маст ҳолатдаги жамоат тартибини бузувчи бир гуруҳ томонидан тан жароҳати етказилган. Ўша йилнинг 26 сентябрида бир неча бор қилинган уринишлардан сўнг прокурорлик томонидан бу далил бўйича жиноий иш кўзга тилини ва ноаниқ сабабларга кўра, 1992 йилнинг 10 январиде, яъни 4 ойдан сўнггина у судга оширилганини аниқладик.

Ўтган йилнинг 30 мартда Чирчик шаҳар ички ишлар бўлими пост хизмати ротаси милиционери И. Отахоновга тан жароҳати етказган 34-хунар-техника билим юрти ўқувчиларига нисбатан жиноий иш кўзга тилиб, 5 апрелда судга етказиб берилган, лекин у ўз ечимини фақат 8 ойдан сўнггина топган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Маҳаллий ҳокимиятларда Қонунда кўрсатилган афзалликларни (уй-жой ажратиш, телефон ўрнатиш, барча турдаги транспорт воситаларида ҳаракат учун навбатдан ташқари чипталар олиш, меҳмонхоналардан ўрин-жой олиш ва ҳоказолар) милиция ходимларига нисбатан қўллаш бўйича тартиб ўрнатилмаган, бу ҳолатларни аҳолига тушунтириш учун ҳам фақат милиция ўзининг меҳнат жамоалари ҳамда аҳоли яшаш жойларидаги ҳуқуқий мавзулардаги учрашувларидангина фойдаланмоқда. Шу сабабдан-микин, 1992 йилнинг ўтган 10 ойида ҳам ички ишлар идоралари, яъни милиция ходимларига нисбатан фуқаролар томонидан 25 га яқин ғайри-қонуний ҳаракатларга йўл қўйилган.

Биз вилоят ички ишлар бошқармасидаги шахсий таркибини тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими ходимлари юқорида қайд этилган Қонунни тушунтириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказилишини, милиция участка вакилларининг ҳисоботларини эшитишни умумлаштириб самарадорлигини мунтазам таҳлил қилиб борамиз. Бу аснода фуқаролардан келган хатлар мазмуни, салмоғи баҳо беришда адолат тарозуси вазифасини бажармоқда.

«Ишонч» муштарийларига яна шунинг ҳам маълум қилиш мақсадга мувофиқки, яқинда республикамиз милициясининг янги Қонуни қабул қилинмоқчи, унинг лойиҳасини кўриб ўз тақлифларимизни айтганмиз. Агар у халқ муҳокамасидан ўтиб, қабул қилинса, жиноятчиликка қарши кураш ишида аҳолининг милицияга меҳри ошиб, унга яқиндан ёрдамга отланади балки. Бу ўз навбатида янги бир ижобий кадам бўлиб, жиноятчиликнинг пайини қирқишда қўл келарди, албатта. Чунки халқ — катта куч!

Миркарим МИРСОВУРОВ,
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркибини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими бошлигининг ўринбосари,
милиция подполковниги.

САРҲИСОБ

ЖИЗЗАХ вилояти йўл хўжалиғи ишини муқобиллаштириш кенгашида қасаба уюшмаси бирлашган қўмитасининг ташкил этилганлиги вилоят ташкилоти ва унинг бўлинмаларида соғлом вазиятни барпо қилиш, ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси, корхонадаги иш жараёнларининг хатарсизлигини таъминлашда муҳим ўрни эгаллади.

Ҳамма жойда 40 соатлик иш ҳафтаси қатъий жорий этилганлиги, ишчи, хизматчилар меҳнат таътили 24 иш кунига етказилганлиги, болали аёллар учун иш куни бир соатга қисқартирилганлигини, шубҳасиз, йўлсозлар жамоасининг катта ютуғи деб баҳоламоқ даркор.

Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари, серфарзанд оилалар, байналмилалчи жангчилар, уруш ва меҳнат пигиронлари ҳам меҳнат жамоаси ва қасаба уюшмасининг мурувватидан баҳраманд бўлиб келаяптилар.

Вилоят ташкилоти, шаҳар ва район бўлинмаларидаги ёрдамчи хўжаликлар мана бир неча йилдирки, йўлсозларга мададкор. Улар вақти-вақтида ёрдамчи хўжаликлардан арзон баҳода қорамол, парранда гўшти, тухум, сут, асал, сабзавот ва полиз маҳсулотларини олиб турадилар.

Жиззах шаҳри, Галлаорол, Пахтакор, Зафаробод районлари, Бўстон ташкилотларидаги ёрдамчи хўжаликларда хайрли ишлар қилинаёпти.

Меҳнат беллашуви ишининг кўзини билиб ташкил этилган тақдирда ажойиб самаралар бериши табиийдир. Вилоят йўлсозларининг ўзаро мусобақаси яхши натижалар бераёпти. Зомин, Пахтакор, Зафаробод, Арнасой, Фориш районларининг йўлсозлари меҳнат беллашувида энг юқори кўрсаткичларга эришишга муваффақ бўлдилар. Жиззах, Мирзачўл ва Галлаорол йўлсозлари юқорида зикр этилган қасбдошларига етиб олиш учун отга қамчи босишлари керак.

Жамоа шартномалари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала қасаба уюшмаси ташкилотлари йиғилишларида бир йилда икки марта муҳокама қилинади. Навбатдаги муҳокамалар ҳам оғир қўл меҳнати талаб қиладиган ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, йўлсозларнинг меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш, бажарилаётган юмушларнинг хавф-хатарсиз бўлишини таъминлаш, ишчиларни маҳсул қоржомга, шахсий ҳимоя воситалари, сут ҳамда сутли маҳсулотлар билан таъминлаш ва бошқа ижтимоий тадбирларни амалга ошириш юзасидан талайгина ишлар қилинганлигидан кафолат бериб туради.

Маълумият билан қасаба уюшмалари ўртасида имзоланган битимларда кўзда тутилган шартларнинг ижобати сарҳисоб қилиб кўрилганда бажарилган ишларнинг умумий қўлами энг пешқадам меҳнат жамоаларида ҳам 80 фоиздан ошганлиги маълум бўлди.

Вилоят йўл хўжалигини мувофиқлаштириш кенгаши қасаба уюшмаси қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида жойлардаги бўлинмалар ва бошланғич ташкилотлар фаолиятида жиддий камчилик ҳамда нуқсонлар очиб ташланди. Маърузачи — қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Б. Худойбердиев ва музокараларда қатнашган конференция делегатлари кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилмаганлиги, меҳнат қонунчилиги бузилаётганлиги, айрим бўлинмалардаги ишчилар 2—3 йилдан буён меҳнат таътилига чиқмаганлиги, меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий мақсадлар учун ажратилган маблағлардан ўз вақтида самарали фойдаланилмаётганлиги ҳақида афеусланиб гапирдилар.

Конференцияда қасаба уюшмаси қўмитаси ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайланди. Б. Худойбердиев қасаба уюшмаси қўмитасининг раиси этиб сайланди.

М. МАҲМУДОВ.



ОСОЙИШТАЛИКНИ КЎЗЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси аҳли ҳам ўзларининг осойишталик посбондари — милиция ходимларига ишонч билдириш билан уни ҳурмат қилишларини истардим.

Хабарингиз бор, 1990 йилнинг 31 октябрида Ўзбекистоннинг «Милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган эди. Асосий гап шундаки, қонун ишлаши керак, агар унинг акси бўлса, ҳамма қилинган ҳаракатлар зое кетади. Қонунни ички ишлар органлари ходимлари ўртасида ва аҳолига тушунтириш ишларини ташкил этиш ижобий натижалар бермоқда.

Масалан, Янгийўл районидеги Бобур номидаги, «Эски қовунчи» жамоа хўжаликларидеги, САМИСда ўтказилган Қонунни тушунтириш, ҳуқуқ бўйича учрашувлардан сўнг шу жамоаларда жиноятчилик ҳоллари, ғайриқонунийлик ҳолатлари сезиларли қамайдди. А. Ниёзов, А. Ортиқов номидаги хўжаликларда ҳам бу йил умуман жиноят қайд қилинмади. Жамоатчиликни, ҳуқуқ-тартибот ишларига фаол жалб этишда, милицияга яқиндан ёрдам беришда, профилактик фаолиятда ҳамкорликни ўрнига қўйишда А. Ортиқов номли жамоа хўжалиғи раиси Юсуп ака Толипов, «Тинчлик» жамоа, хўжалиғи раиси Маҳмуд ака Исмаиловларнинг ёрдами ижобий натижалар бермоқда.

Бундай ҳолни Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари У. Элибоев ташаббуси билан «Ўзбек-металлургия» заводининг мартен цехида ўтказган учрашувлари самара кўрсатганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Аҳолида ҳуқуқ масалаларини ўрганишга чанқоклик бор экан, шу боис милиция ҳақидаги қонун моддаларини тушунтириш аянч енгил кечди, ўша даврдан буён бу жамоада ҳеч қандай жиноят содир бўлгани йўқ, тартиббузарлик ҳоллари эса тезда жамоатчилик муҳокамасига қўйилмоқда.

Қибрай район ички ишлар бўлими катта участка вакили милиция капитани Б. Нишоннов, Тошкент район ички ишлар бўлими участка вакили милиция капитани Ш. Дадаев, Оккўрғон район ички ишлар бўлими участка

кўрилаётган чоралар ҳақида ҳам ёзилгани, аҳоли бундай ҳолатлардан хабардор бўлиб тургани ўринли.

Милиция ходимларига нисбатан содир этилган ғайри-қонуний ҳаракатларнинг ҳаммаси бўйича хизмат текширувлари ўтказилишига эришмоқдамиз, текширув материаллари эса Қонунда кўрсатилган чораларни кўриш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилиши яхши йўлга қўйилган.

Ўтган йили милиция ходимларига қарши фуқаролар томонидан 109 марта ғайри-қонуний ҳаракатлар содир бўлган, уларнинг 49 таси милиция участка вакилига, 20 таси ҳушёрхона ходимларига, 13 таси давлат автоном зорати ходимларига, 12 таси пост хизматидаги ходимларга нисбатан содир этилганлигини таъкидлаб ўтсам, аҳоли билан энг яқин муносабатда бўладиган ходимларимизнинг кўпроқ зарбага учраётганликлари маълум.

Олмалик шаҳрида 36 марта, Чинозда 17 марта, Қибрайда 10 марта, Чирчикда 9 марта, Оккўрғонда 5 марта, Янгийўлда 4 марта, Ўрта Чирчикда 4 марта, Зангиота районида 3 марта милиция ходимларига нисбатан ғайри-қонуний ҳаракатлар содир этилган. Бу ҳудудларда ўтказилган текширувлар, таҳлиллар ушбу Қонуннинг бажарилиши борасида ҳали кўп камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Бу борада асосий камчилик сифатида аҳоли ўртасида Қонунни тушунтириш ишларининг олиб борилиши каниқарли эмаслигини кўрсатиш ўринли деб ўйлайман. Чунки ушбу муҳим ҳужжатни аҳоли ўртасида, меҳнат жамоаларида фақат ички ишлар идоралари режаллаган тадбирлар асосидагина ўрганилди, яъни милиция ходимлари ўз вазифа ва ҳуқуқларини аҳолига чуқурроқ талқин қилиб бердилар, лекин жиноятчиликка қарши кураш шароитида аҳоли ҳуқуқ-тартибот вакили билан бирга туриб курашишни кераклиги ва бу борада халқ фаолли-



РАЙОН газетасининг муҳаррири ўз ходими устидан милицияга арз қилди. Судда эса ходим ҳақ, муҳаррир ноҳақ деб топилди. Бу гап бутун районга тарқалди-да, муҳаррир Абдурауф Раҳимкулов халқ орасида қулғили аҳволга тушиб қолди.

Воқеа мана бундай бўлган эди: Шароф Рашидов районида чиқадиган «Шарафли йўл» газетасида штат қисқартиришга бағишланган йиғилиш ўтиши лозим эди. Бироқ бу йиғилиш қолдирилди. Чунки муҳаррир масъул котиб Иброҳим Эшбеков билан сенменга бориб қолди. Аввалига А. Раҳимкулов йиғилишни бошламоқчи бўлди. Бироқ жамоадаги ходимларнинг унга истехзоли жилмайиб туришлари ёқмади. Шу сабабли А. Раҳимкулов «ҳокимликдан вакил олиб келаман» деб хонадан чиқиб кетди.

Гапнинг қисқаси, муҳаррир А. Раҳимкулов ўз жамоаси ўртасида обрўсиз бўлиб қолди. Бунинг қатор сабаблари бор. Дастлаб Ильич район (ҳозирги Шароф Рашидов) партия кўмитаси бюросининг 1985 йил 27 мартдаги қарорини эслаб ўтиш ўринли бўлар. Бу қарорда газета муҳаррири Абдурауф Раҳимкулов ишдаги жиддий нуқсонлари, мансабини сунистеъ-мол қилганлиги, тахририят ходимлари гўза чопиғида ишлагани учун олиниши зарур бўлган 1150 сўм пулни ўзлаштиргани учун ўз вазифасидан бўшатишга қайт қилинган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, А. Раҳимкулов муҳаррир бўлиб ишлаган даврда жамоада маънавий муҳит ёмонлашди. Районда кўпчилик бунинг билар эди. Шундай бўлишига қарамай ўтган йили биринчи октябрь кунини А. Раҳимкуловни яна муҳаррир этиб тайинлашди. Одамлар бунга шундай баҳо бердилар: район ҳокими И. Абдурауфов А. Раҳимкуловнинг ҳамшари. У ўз одамларини атрофига тўп-лашти.

Янги муҳаррир (аслида эски муҳаррир) ишга келиши билан жамоадаги муҳит яна ёмонлашди. Чунки А. Раҳимкулов лаганбардорликни ёқтирар, ҳақ сўзни айтувчи кишиларни ёмон кўрар эди. Тез орада унга муҳаррир муовини Т. Ортиқов ҳам, масъул котиб И. Эшбеков ҳам, котиба-машинистка Г. Мамашева ҳам, фото-муҳбир М. Тўракулов ҳам ёқмай қолди. Йўлини топиб фотомуҳбирни ишдан бўшатди (аризасига биноан), Бирок Ортиқов, Эшбеков, Эшбекова, Мамашеваларни ўрнидан қўзғатиш

кийин бўлди. Шунга қарамай муҳаррир 1992 йил бошиданок Тоғаймурод Ортиқов, Иброҳим Эшбеков ва Лола Эшбековаларга сизлар штат қисқаришига тушасизлар, деган мазмунда хат топширди.

Шу ерда савол туғилади: нега энди штат қисқаришига тахририятнинг энг яхши ходимлари тушиб қолди? Қимни қисқартириш керак, деган масалани ҳал қилиш фақат муҳаррирнинг эмас, балки бутун жамоанинг, қасаба уюшма ташкилотининг иши-ку?

Йўқ, А. Раҳимкулов бундай бўлишни истамайди. Шу йил 15 сентябрда

Файзуллаев, агросаноат ходимлари қасаба уюшмаси район кўмитасининг раиси Кўчим Болтаев ўртоқлар унга ҳамроҳ қилиб юборилди.

Йиғилишнинг кун тартибини тасдиқлаш пайтида каттик тортишув бошланди. Ғ. Алижонов муҳаррир А. Раҳимкулов томонида туриб, штат қисқартириш масаласини кўриб чиқамиз деб туриб олди, редакция жамоаси эса бунга рози бўлмади. Кўпчиликнинг фикри бундай эди: аввал тахририятдаги маънавий иқлимни муҳофаза қилиш, кейин штат қисқартириш масаласига ўтиш керак. Таклифлар овозга қўйилганда кейингисига кўп

талаб қилди ва бу таклиф овозга қўйилди. Натижада маъмур таклифни ёқлаб А. Раҳимкуловнинг ўзи ва М. Абдурауфов (ҳисобчи) овоз беришди. Қолган олти киши йиғилиш ўтказилсин, деган таклиф учун қўл кўтаришди. Котиба — машинистка Г. Мамашева ҳам муҳаррирнинг таклифини маъқулламагани сабабли А. Раҳимкулов шундай тахдид қилди: «Мамашева, шу ишинг учун ҳали жавоб берасан!». Биз муҳаррирнинг бу ишини қасаба уюшмасига нисбатан ҳурматсизлик, ходимларга нисбатан эса зўравонлик деб баҳолаймиз».

Юқоридаги гаплар изохга муҳтож эмас. Яна шуни таъкидлаш жоизки, муҳаррир ишга келган кундан бошлаб «мен томонга ўт», «мени ёқлаб гапир» сингари талаблари билан ходимларни иккига ажратиб қўйган. Кейинчалик уни ҳамма тушуниб олди ва ҳозир муҳаррир ёлғизланиб қолди. Шундай аҳволга тушишига яна бошқа ноҳўя ишлари ҳам сабаб бўлди. Масалан, 1991 йил декабрида Баҳодир Эсонов номига 259 сўм 64 тиин пул ёзилди. Ҳисобчи М. Абдурауфовнинг тасдиқлашича бу пулни А. Раҳимкулов қўл қўйиб олган. Ҳолбуки, Б. Эсонов редакцияда бирор кун ҳам ишламаган.

А. Раҳимкуловнинг «Жигули» шахсий автомашинаси бор. Шу машина тахририятга хизмат қилапти деб, вилоят матбуот бошқармасидан тоvon пули олиш учун буйруқ чиқартирган. Шундай бўлиши мумкин. Бироқ ҳар ойда олиниши керак бўлган 124 сўм 1992 йил январиди икки марта, февралда ҳам икки марта олинганини қандай тушуниш керак?! Қонуносиз олинган 248 сўм пулга ўша пайтда нари борса тўрт кило гўшт берарди. Шунчалик арзимас пуллар учун муҳаррир ўз обрўси, иззат-ҳурматини ерга урадимиз?

Мен бу гапларни жуда қийналиб, минг истиҳола билан ёздим. Минг қилса ҳам биз А. Раҳимкулов билан ҳамкасбмиз. Шу сабабли район ҳокими И. Абдурауфовга ўз мулоҳазаларимни ёзма равишда қолдирдим ва ундан бир ойча жавоб кутдим. Ундан садо чиқмагач, ушбу мақолани ёзишга мажбур бўлдим. Начора, ҳар ким экканини ўради, А. Раҳимкулов ҳам. Ҳеч қачон арпа экилган жойдан бугдой унмаган.

Саминжон СУЛТОНОВ,
Сирдарё вилояти.

НИМА ЭКСАНГ...

муҳаррир Т. Ортиқов билан Л. Эшбековани ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарди. Унда кўрсатилишича, муҳарририятда штат қисқартириш бўйича тузилган комиссиянинг 12 июлдаги йиғилиши қарори ва қасаба уюшмаси ходимларидан 20 июлда олинган розилик ана шу буйруққа асос қилиб олинган эмиш. Аслида эса умуман комиссия тузилмаган. (Эҳтимол, А. Раҳимкуловнинг ўзи пинҳона тузиб қўйгандир), 20 июлда қасаба уюшма аъзоларининг йиғилиши ҳам бўлмаган, уларнинг розилиги ҳам олинмаган. Демак, йўқ комиссия билан ўтказилмаган йиғилиш буйруққа асос қилиб олинган. Демак, бу буйруқ қонуний эмас, балки мутлақо асоссиздир.

«Шарафли йўл» жамоасидаги маънавий аҳволни тушуниш, журналистларга район ҳокимлигининг муносабатини пайқаш учун шу йил июль ойи охиридаги бир воқеани эсласак бўлади. Жамъада қасаба уюшма йиғилиши ўтказилмаган бўлди. Бу йиғилишга район ҳокимлиги котибияти бошлиғи Ғайбулла Алижонов вакил қилиниб, ҳокимлик юристи Нахалбой Мухторов, район молия бўлими мудри Одил

овоз берилди. Шунда ҳокимият вакили Ғ. Алижонов асабини жиловлай олмай ўшқирди: «Сизлар шантажчисиз!» Бу гап афтидан Ортиқов, Эшбеков, Эшбекова, Мамашеваларга қаратилган эди. Агар Алижоновнинг таклифи ўтмай, иккинчи таклиф тасдиқланган бўлса, бу демократиянинг оддий бир кўриниши-ку. Нега бундан жиғибийрон бўламиз, ахир? Газета шу маҳалгача ўз етакчи мавзусини топа олмагани ва бошқа кўпгина масалалар алоҳида таҳлил талаб қиладиган мавзулар бўлганлиги сабабли булар ҳақида тўхтаб ўтирмаймиз. Аммо тахририятдаги муҳитнинг тобора ёмонлашиб бораётганига асосий сабабчи муҳаррирнинг ўзи эканлигини таъкидлашга мажбурмиз. Чунки «Ишонч»га ёзилган хатни текшириш жараёнида бу фикримизни тасдиқловчи қатор мисолларга дуч келдик.

Тахририят ходимларидан Т. Ортиқов, И. Эшбеков, С. Номозов, Л. Эшбекова, Г. Мамашеваларнинг тушунтириш хатидаги қуйидаги гапларни айнан келтирамиз: «...22 июль кунини муҳарририят қасаба уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши чақирилди. Муҳаррир йиғилишни тўхтатишни

КЕЙИНГИ икки йил мен учун жуда оғир бўлди. Ўн йилдан бери виждонан, ҳалол меҳнат қилиб келаётган эдим. Охириги пайтда бошлиқ билан ўртамайдан ола мушук ўтди-ю бошим устида қора булутлар айланиб қолди.

Келинг, бўлган воқеаларни бир бошидан сўзлаб бера қолай.

...Участкамизнинг вазифаси Каттақўрғон, Оқтош, Иштихон каби тўққизта шаҳар ва райондан металл парчалари йиғиб, қайта ишлашга жўнатишдан иборат. Бу борада кўп йиллардан бери илгорликни қўлдан бермай келардик. Самарқанд цехи эса кўпгина кўрсаткичлар бўйича орқада эди. Янги цех бошлиғи Ғолиб Муҳаммадиевга бу манзара ёқмади. У ҳаммадан олдинга ўтиб олмоқчи бўлди.

Биринчи бўлиб районлар бўйича металл парчалари тўплаш режасига ўзича ўзгартириш кирита бошлади. Режани Самарқанд зонаси районларида қамайтириб Каттақўрғон, яъни бизнинг зона бўйича қўлайтиришга қарор қилди. Шунда биринчи бўлиб мен назоратчи С. Ниёзов билан бирга унинг бу ишига қарши чиқдик. Ўшанда у

ТИНЧ ИШЛАШГА ҚЎЙИНГ!

менинг катта тўсиқ эканлигимни фаҳмлаб турли йўللار билан қутилишга киришди.

Кўп ўтмай мен меҳнат таътилига чиқиб кетдим. Кейин уч ой ма-лака ошириш курсида бўлдим. Шу ойлар давомида тарозибон Ж. Қодирова менинг ўрнимга вақтинча участка бошлиғи бўлиб қолди. Ўқув тугаб ишга қайтгач хунук манзаранинг гувоҳи бўлдим. Меҳнат интизоми бўшагани, ташкилотлар, ҳатто мактаблар ҳам металл топширолмайд сарсон бўлишгани, қўзбўямачилик авж олгани, тарозибон билан Самарқанд цехи бошлиғи ўртасида аллақандай пинҳона алоқалар пайдо бўлганлиги ҳақидаги миш-мишларни эшитдим.

Шу гаплар исботлангач мен Ж. Қодирова билан ишлай олмадим. Қонуний ишим Ғ. Муҳаммадиевга ёқмади, шекилли, 1991 йил 13 мартда мени ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Ҳатто Самарқанд вилоят ижроия кўмитаси номидан Каттақўрғон Давлат автотинспекциясига хат йўллаб ҳайдовчилик гувоҳномамини тортиб олишни, машинани эса ҳибсага олишни талаб қилди.


Бундай ноҳақликлар суяк-суягимдан ўтиб кетди. Улар ҳақида Самарқанд вилоят прокурорига ёзишга мажбур бўлдим. Лекин у ердан садо чиқмади. Шундан сўнг юқоридаги жойларга мурожаат этишга тўғри қолди. Ниҳоят 1992 йил 9 сентябрда Самарқанд шаҳар

суди ишимизни кўриб чиқиб мени ўз вазифамга тиклашга, мажбуран ишламай юрган ойларим учун маошимни ундириб беришга қарор қилди.

Ҳақиқат қарор тоғани Ғ. Муҳаммадиевга ёқмади. У шаҳар судининг қарорига норозилик билдириб вилоят судига мурожаат этди. Вилоят суди ишимизни чуқурроқ ўрганиб, шаҳар суди чиқарган қарорни тўғри деб топди. Шундан кейин ҳам Ғ. Муҳаммадиев турли баҳоналарни рўқач қилиб қарорнинг бажарилишини пайсалга солмоқда.

Бир одамнинг қайсарлиги, манманлиги билан икки йилдан бери чекиб келаётган азобларим асабларни ишдан чиқариб бўлди. Одамларга ҳайронман, шундай оғир замонда бир-биримизни қўллаш ўрнига асабларни баттар эговлашдан қандай манфаат бор?! Бизни тинч ишлашга қўйинг. Гап ва итҳо билан эмас, амалий иш билан шугулланайлик.

Эшннёз РАЗЗОҚОВ,
«Узвотчермет» Каттақўрғон участкасининг собиқ бошлиғи.



АТОҚЛИ давлат ва жамоат арбоби, байналмилалчи, улкан адиб Шароф Рашидович Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб Жиззах шаҳридаги Хамид Олимжон хиёбонида «Ташаккур сенга — Устоз!» деб номланган хайрияжон бўлиб ўтди. Маросимни Жиззах шаҳар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси ва шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорликда тайёрлашди.

Хайрияжоннинг очилишида Жиззах шаҳар ҳокимияти ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ҳаммага маълумки, Шароф Рашидов шу она заминда туғилиб ўсди, улғайди. Еттинчи синфни битиргач, Жиззах педагогика билим юртига кириб аъло баҳолар билан ўқиди.

Шароф Рашидовнинг касби педагог. Шунинг учун ҳам урушдан қайтиб келгач, муаллимлик билан шуғулланди. Ленин номи мактабда директорлик қилди. Кейинги ҳаёти эса фирма, давлат, жамоат ишлари билан боғланиб кетди. Бугунги хайрияжоннинг «Ташаккур сенга — Устоз!» дейилишида ҳам рамзий маъно бор. Шароф Рашидов ёшларга дарс бериб муаллимлар жамоасига етакчилик қилди.

Жиззахда ўтган бу тадбирда 24 та мактаб ва 39 та боғча жамоалари катнашиб, театрлашган ўйин кўрсатдилар, шеър, газал, куй-қўшиқ ва рақслар ижро этдилар, марҳум педагоглари эсладилар, кекса ва илғор ўқитувчиларни шарафладилар. Хайрияжонда алоҳида олқишга сазовор бўлган ижрочилар, шеър ўқиган, драмалардан парча кўрсатган ўқитувчиларга касаба уюшмалари ва

халқ таълими муассасаларининг фахрий ёрликлари, совғалар, Шароф Рашидов тасвири акс этган сопол ланглар топширилди.

Хайрияжонда Шароф Рашидов асарларидан намуналар, Муҳаммад Юсуфнинг Ш. Рашидовга бағишлаб ёзган «Руҳи нотинч зот» шеъри ўқилди.

ТАШАККУР СЕНГА — УСТОЗ!

Шароф Рашидовнинг педагогика билим юртида бирга ўқиган курсдоши Нағима она Манкиева шундай деди:

— Биз оиламиз билан 1931 йилда Бошқирдистондан Жиззахга кўчиб келгандик. Ҳозир ёшим 79 да. 1934—1936 йиллари педагогика билим юртида уч йил Шароф Рашидов билан бирга ўқиганмиз. Бу билан чексиз фахрланиб юраман. Жиззах педагогика билим юрти ўша йиллари Акмал Икромов номи билан аталар, бизнинг курсда 10 нафар бола ўқирди. Бирга ўқиган курсдошларимиз ҳар хил тоифадаги болалар эди. Лекин Шарофжон ҳамма билан тил топишиб кетарди. Болаларнинг бошини бир-бирига қўшишга, мантикли сўзлашга мохир эди. «Келажак бизларники, тезроқ одам бўлинглар», деб курсдошларининг елкаларини силаб кўяр эди.

Ўқитувчилар ўртасида ҳам алоҳида обрў-эътиборга эга эди. Ўша пайтдаги «Социализм йўли» район газетасида Рашидов имзоси билан мақола,

лавҳа, репортаж, очерклар тез-тез чиқарди. Дарслардан бўш пайтлари унинг бекор юрганини кўрмасдик, ҳали у хўжаликка, ҳали бу хўжаликка бориб, ёзилажак мақола ва лавҳаларига мавзу қидирар, ён дафтарларини рақамларга, исм ва фамилияларга тўлдириб келарди. Устига устак эртасига ўқиб чиққан китоблари маз-

мунини сўзлаб берарди. Биз буларга қандай қилиб улгурганига ҳайрон бўлардик.

Шарофжонларнинг уйда меҳмон бўлгандик. Шарофжоннинг онаси бизни қувонч билан кутиб оларди ва яхшилаб меҳмон қиларди. Шарофжоннинг акиси Комил вафот этган бўлиб, уйда кўп юмушлар Шарофжонга қараб қолган экан. Бу боисданми, онаси «Шарофжонни уйлантирсам, юмушларимиз енгиллашармиди» деб қолди бир куни. Шунда педагогика фанидан дарс берувчи Файзулина «Шароф хали уйланмасин, у ўқиши керак» деб тайинлади. Ширинсухан она бу таклифни қабул қилди шекилли, бош ирғаб қўяқолди. Ўша йилги ёзги таътилда Шарофжон Хамид Олимжон хузурига кетди. Таътилни шоир хонадонидан ўтказиб, қандайдир драма ёзиб келибди. Янги ўқув йили бошлангач, уни билим юрти драма тўғараги аъзолари билан сахналаштирди.

— Шароф Рашидов бирга ўқиган, бирга ишлаган, таниган кишиларни

ғоят кадрларди. — дея давом эттиради хикоясини Нағима она, — у юқори вазифаларга кўтарилгач ҳам Жиззахга тез-тез келиб турар, бирга ўқиган курсдошларини сўраб-суриштирарди.

Давлат раҳбарининг, ёзувчининг иши бошидан ошиб, кеча-ю кундуз республика ташвишида юрса-ю яна қанча халқаро анжуманларда, чет эл сафарларида бўлса-ю биз каби 40—50 йил аввал бирга ўқиган курсдошларини сўраб-суриштиришга вақт топганига, исми-фамилияларимизгача хотирасида сақлаганига ҳайрон қолар эдик.

Хайрияжон якунида Жиззах шаҳар ҳокими А. Соатов, шаҳар халқ таълими бўлими мудирини У. Махмудов, халқ демократик партиясининг Жиззах вилояти кўмитаси котиби Т. Агламова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Т. Холматов, Ўзбекистон халқ ноибини М. Қобулов, республика халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмита раиси ўринбосари А. Султонов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, хайрияжонга тайёргарлик кўришда ва уни ўтказишда Жиззах шаҳар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитасининг хизматлари катта бўлганлигини таъкидладилар.

Хайрияжон кунлари турли ташкилот, корхона, муассасалардан хайрия ва мурувват жамғармасига 150 минг 300 сўм тушганлиги маълум бўлди. Бу маблағ шаҳарда халқ маорифини ривожлантиришга сарфланади.


Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ТИЖОРАТ




ТАДБИРҚОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР, КИЧИК
ҚОРХОНАЛАРНИНГ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ
КИЧИК ЗАВОДЛАРНИНГ, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ, ХУСУСИЙ ШАХСЛАР
ДИҚҚАТИГА:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СУВ ХЎЖАЛИГИ
ҚУРИЛИШИ ҚЎМИТАСИНING
«УЗВНЕШЭКОНОММАШ» АССОЦИАЦИЯСИ
НАҚД ПУЛГА, ПУЛ ЎТҚАЗИШ ЙЎЛИ
БИЛАН, БАРТЕР (МОЛ АЙИРБОШЛАШ)
АСОСИДА ХИТОЙ ХАЛҚ
РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН
ҲАМҚОРЛИҚДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
SJ — 180А МАРҚАЛИ ФИЛДИРАҚЛИ
КИЧИК ТРАКТОРЛАРНИ
РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ.



МАНЗИЛГОҲ: 700011. ТОШКЕНТ ШАҲРИ АБАЙ КЎЧАСИ, 6-УЙ (3-КАВАТ),
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ ҚЎМИ-
ТАСИНING «УЗВНЕШЭКОНОММАШ» АССОЦИАЦИЯСИ. 44-04-61,
41—84—19, 41—56—60 ТЕЛЕФОНЛАРИ ОРҚАЛИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР
КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 18.00 ГАЧА ТЕГИШЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЛИШИНГИЗ
МУМКИН.



НОЯБРЬ

9 ДУШАНБА

УзТВ I

18.00 Янгилликлар. 18.10 «Рекс-хайвон ўргатувчи», «Рекс — шифокор». Мультфильмлар. 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Чолғу куйларидан концерт. 19.40 «Замондош билан учрашув». Қудрат Парпиев. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шарқ дурдонаси». 22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 22.30 «Лалварлик овчи». Бадий фильм.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 Болалар учун. «Совға». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.25 «Ҳамшаҳарлар». 21.15 «Билиб қўйган яхши». 21.30 Исмоил Ғулومов куйлайди. 22.10 «Лаҳза». Хабарлар. 22.20 «Тўй айбанади». Бадий фильм.

УзТВ I

«ОРБИТА IV»
18.15 «Оломонинг бошида». Телефильм премьераси. 3-фильм — «Эгизаклар — олашчилар». 18.45 Мультфильм. 18.55 «Икболи кўлганда». 19.35 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Севимли Раджа». Бадий фильм (Ҳиндистон). 1-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.25 «Спорт-уик-энди». 21.40 «Севимли Раджа». Бадий фильм. 2-серия. «Янги студия» таништиради: 22.45 «Бомонд». 23.00 «Джем-еши». 23.25 «Бироқ». 23.35 «Биз». 23.40 «Вазият». 00.35 «Кингир-қийшиқ эфир». 00.55 «Евгеник ва...» 01.05 «Оба-На». Танафус пайтида (24.00) — Янгилликлар. 01.45 «Поезд икки дақиқа тўхтаб туради». Телевизион бадий фильм.

УзТВ I

«ДУБЛЬ IV»
18.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.00 Душанба кўни детектив. «Трансшибир» экспресси. Бадий фильм. 20.30 «Қуён гўшти». Мультфильм. 20.40 Эълонлар. 20.45 Спорт кўрсатуви. 20.50 «Ҳақиқат онлари». Андрей Карраулов саволларига Мария Миронова жавоб беради. 21.45 Криминал хабарлар экрани. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар.

УзТВ I

22.25—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

10 СЕШАНБА

УзТВ I

18.00 Янгилликлар. 18.10 «Вақтинчалик йўқолган». Мультфильм. 18.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Соғин». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Спортлото». 19.25 Миллиция ходимлари кўнига бағишланган кўрсатуви ва концерт. 20.10 «Сатон». Телефильм. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Ҳорманг бободоҳқонлар!». Пахтакорлар уун дам олиш кўрсатуви. 22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 22.45 «Дастлабки тергов». Бадий фильм.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Телефильм. 18.50 «Муסיқий меҳмонхона». 19.30 «Алоқалар ва шартномалар». 20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳнафаларида. 21.10 «02» тўлкинида. 21.30 Эълонлар. «Киннонгоҳ».

УзТВ I

«ОРБИТА IV»
6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилликлар. 9.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.05 Футбол шарҳи. 10.35 «Хайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан). 11.15 «Рок сабоқ». 12.00 Янгилликлар.
Кундузги киноэкспресс:
12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 2-серия — «Анфиса». 13.40 «Ҳали қор ёғмасдан...» Телевизион бадий фильм.

УзТВ I

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 Ишбилармон хабарномаси. 15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 К. Вебер. «Оберон» операсига увертюра. 16.25 «Уолт Дисней таништиради...» 17.15 Бизнинг муסיқий клуб. «440 герц». 18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Футбол шарҳи. 18.55 «Бойлар

ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.45 «Миниатюра». Муסיқий кўрсатуви. 20.00 «Мавзу». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Комедиянтлар». Бадий фильм. 1-серия (АҚШ). 22.35 «Илҳом манбалари». 23.05 «Талаб қилинган кино». 24.00 Янгилликлар. 00.40 «Кескин бурилиш». Телевизион бадий фильм.

УзТВ I

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 «Ҳақиқат онлари». 9.45 «Сиз яратган боғ». 10.15 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 10.30 «Келинг, қўлни-қўлга берайлик...» Н. Никитский. 11.45 Мультфильм. «Эзгуликдан нима фойда?». 11.55 Кундузги сеанс. «Судланувчи». Бадий фильм. 13.20 «Йўқолган қуён ҳақида иш». Мультфильм. 13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 15.45 Телебиржа. 16.15 «Трансросэфир». 16.45 Янгилликлар. 17.00 Теннис. «Кремль кубоги». 17.55 Эълонлар.

УзТВ I

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 «К-2» таништиради: «Халқ фраки», «САС». «Асса». Бадий фильм.

11 ЧОРШАНБА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Ер ва диёр тароналари». Дилрабо концерт. 8.05 «Ошиқ Ғариб». Бадий фильм. 9.20 Узбек тилини ўрганамиз. 9.50 «Ешлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.30 Уқув кўрсатуви. Физика. Геометрик оптика қонунлари. 11.00 «Асрлар оҳанги». Телефильм. 11.30 Уқув кўрсатуви. Жўрофия. Урта Осиёнинг кўллари ва ерости сувлари. 12.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.00 Янгилликлар. 18.10 «Қуён оғаникида ховли тўйи». Мультфильм. 18.30 «Дирижёр ҳикоя қилади». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Фармон ва ижро». 19.55 Дурочи қизлар ансамблининг яққоли Раёна Бўронова куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида. 21.30 «Мулоҳаз». «Мамура кампир». Аббор Ҳидоятлов номидagi Узбек драма театрининг спектакли. 22.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 23.00 «Кўринмас одам». Бадий фильм.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Жаҳон бўйлаб». Франция. 20.40 «Билим сарчашмалари». 21.10 «Уй-жойларни хусусийлаштириш». 22.00 Тижорат канали. «Ўзбекистон саноат қурилиш банки: қаролат ва мезёр». 22.10 «Кинотрипада».

УзТВ I

«ОРБИТА IV»
6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилликлар. 9.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.05 «Бизнинг муסיқий клуб». «440 герц». 11.30 «Ассоциация». Телефильм. 11.50 Мультфильм. 12.00 Янгилликлар.
Кундузги киноэкспресс:
12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 2-серия — «Анфиса». 13.40 «Ҳали қор ёғмасдан...» Телевизион бадий фильм.

УзТВ I

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Телемекки». 16.05 «Ен дафтар». 16.10 «Майя арисис». Кўп серияли мультфильм. 17.05 «Янги номлар». Концерт. 17.15 Болалар учун фильм. «Шарча эса учарди...» 17.50 «Матбуот экспресс». 18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 «03 вагон». 19.00 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.45 «Кимёвий қурол сири». 20.00 «Капитан ҳали қайтиб келади». В. Фетисов билан учрашув. 20.45 Хайли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Комедиянтлар». Бадий фильм. 2-серия. 22.40 «Останкино хит-паради». 24.00 Янгилликлар. 00.40 «Ҳали қор ёғмасдан...» Телевизион бадий фильм.

УзТВ I

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
15.55 «Сигнал». 16.10 Трансэфир. «Узоқ Шарқ». 16.55 Янги-

ликлар. 17.10 Теннис. «Кремль кубоги». 17.55 Эълонлар.

УзТВ I

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 Бизнес ва сибсат. 23.20 Спорт кўрсатуви. 23.25 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида. 23.40 Россия Конституцион суди залидан. 00.10 Теннис. «Кремль кубоги». 00.25 «Чангалзорларда».

УзТВ I

12 ПАЙШАНБА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Халқ куйлари». Телефильм. 7.55 «Соҳиллар». Бадий фильм. 9.25 Турк тили. 9.55 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Рўзгор ташвишлари». 10.30 Уқув кўрсатуви. Ботаника. Илди — усимликларнинг асосий органи. 11.00 «Боболардан қолган бу наво». Фильм-концерт. 11.30 Уқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. Урта Осиё ҳудудида феодал жамиятининг шаклланиши. 12.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Умид учқунлари».

УзТВ I

18.00 Янгилликлар. 18.10 «Типрактан билан тошбақа». Мультфильм. 18.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Телеоинома». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ҳуқуқий давлат сари». 19.50 «Наштар». Ҳажвий киножурнал. 20.00 Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани «Шаллола» ансамблининг концерти. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Малайзия киносанаъати». Ўзбекистонда Малайзия кино ҳафталиги якунларига бағишланади. 22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 22.45 «Отпуссага чиқолмадик». Бадий фильм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум». 19.00 «Бумеранг». Экологик кундалик. 19.40 «Муסיқий дақиқалар». Гулнора Назарова чалади. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Пульс». Хабарлар. 21.30 Эълонлар. «Киннонгоҳ».

УзТВ II

«ОРБИТА IV»
6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилликлар. 9.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.30 «Паҳлавоннинг қалби». «Көкса эртақчининг рубойлари». Мультфильмлар. 12.00 Янгилликлар.
Кундузги киноэкспресс:
12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 3-серия — «Ҳоинлик». 13.25 «Қора замбарак» билан содир бўлган можаро. Бадий фильм. (Хитой).

УзТВ I

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Телемекки». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Майя арисис». Кўп серияли мультфильм. 17.05 «Янги номлар». Концерт. 17.15 Болалар учун фильм. «Шарча эса учарди...» 17.50 «Матбуот экспресс». 18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.05 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.45 «Жамоатчилик фикри». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.20 «Бир қайиқда икковлон». А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари ҳақида. 21.40 Миллиция кўнига бағишланган концерт. Танафус пайтида (24.00) — Янгилликлар. 01.20 «Қора замбарак» билан содир бўлган можаро. Бадий фильм.

УзТВ I

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 Бизнес ва сибсат. 9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаёплан!» 10.00 «Тилла шпора». 10.30 «03» программаси. 11.00 «Ифтнхор ҳуқуқи». 11.30 «Гапгаштакларни кўсаб». 12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 98-серия. 12.50 «Чашмалар». 13.20 Мультфильм. «Ширин сайёра». 13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

УзТВ I

16.05 «Бозорни ўрганамиз». 16.35 «Бадабонки». Мактабгача

ёшдаги болалар учун кўрсатуви (Франция). 16.55 Янгилликлар. 17.10 Теннис. «Кремль кубоги». 17.55 Эълонлар.

УзТВ I

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

22.00 Хабарлар. 22.25 «Тарих ва жуғрофиядан очик дарс». 23.10 Спорт кўрсатуви. 23.15 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида. 23.30 Россия Конституцион суди залидан. 24.00 Теннис. «Кремль кубоги». 00.30 «Шайтон васвасиси». Тенниси Уильямсининг «Миссис Стоунинг Рим баҳори» қиссаси мавзуларига ёзилган фантазиялар.

УзТВ I

13 ЖУМА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Табиа — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма. 8.25 «Полвон ва қизиқчи». Бадий фильм. 10.00 Араб тили. 10.30 Уқув кўрсатуви. Биология. Ҳужайрада энергия алмашинуви. 11.00 «То-моша». Фильм-концерт. 11.30 Уқув кўрсатуви. Зоология. Сувада ва қуруқликда яшовчиларнинг ҳаёт тарзи ҳамда аҳамияти. 12.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

УзТВ I

18.00 Янгилликлар. 18.10 «Дўстлар». Мультфильм. 18.25 «Қадрият». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Тараққиёт омиллари». 19.50 «Хотира». Усмон Носир таваллудининг 80 йиллиги. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ҳорманг бободоҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 21.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 22.15 «Эҳтиёт бўлинг, буви». Бадий фильм.

УзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
«ОРБИТА IV»

6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилликлар. 9.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.05 «Қор тегиримон». Мультфильм. 10.25 «Савҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 11.15 «Замондошлар Л. Коган ҳақида». 12.00 Янгилликлар.
Кундузги киноэкспресс:
12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 4-серия — «Иңқироз». 13.35 «Мушук Леопольднинг туғилган кунин». Мультфильм. 13.40 «Деразадаги нур». Бадий фильм.

УзТВ I

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Бридж». 15.50 «Бизнес-класс». 16.05 «Ен дафтар». 16.10 «Майя арисис». Кўп серияли мультфильм. 17.00 Низомиддиновлар оилавий ансамбли ижро этади (Тошкент). 17.10 «Марказ». 17.50 «Матбуот-экспресс». 18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.20 «Вагон-03». 18.50 «Харбий ревью». 19.20 «Инсон ва қонун». 19.50 «Мўжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.25 «Детективлар клуби»да. «Хукм этилган». Бадий фильм. 23.00 А. Майкапар чалади («Клавесин»).

УзТВ I

«ВИД» таништиради:
23.15 «Сибсий бюро». 23.50 «Музобоз». 01.05 «Ҳафтанинг таниқли кишиси». 01.20 «Сталлоне-шоу». Танафус пайтида (24.00) — Янгилликлар.

УзТВ I

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Тарих ва жуғрофиядан очик дарс». 9.40 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье». 9.55 «Шайтон васвасиси». Тенниси Уильямсининг «Миссис Стоунинг Рим баҳори» қиссаси мавзуларига ёзилган фантазиялар. 10.55 Вариацияли мавзу. «Тушқинликка тушманг, поручик Голицин...» 11.50 «Қуён гўшти». Мультфильм. 12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 99-серия. 12.50 «Чеховга меҳр-муҳаббат билан». 13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

УзТВ I

15.45 Телебиржа. 16.15 Трансросэфир. «Аҳволлар қалай, Уфат!» 17.00 Теннис. «Кремль кубоги». 17.55 Эълонлар.

УзТВ I

18.00—19.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.10 «Америка юлдузлари». 20.10 «Хар бир кун байрам». 20.20 «Светик». Бадий фильм. 21.35 Катталар учун мультфильм. 21.50 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.25 Қарама-қаршиликлар. 23.05 «Ассортни». Муסיқий дам олиш томошавари.

фильм. 2-серия. 20.00 «Ирkit қуёнча». Мультфильм. 20.10 «Хар бир кун байрам». 20.20 Спорт кўрсатуви. 20.25 «Тор кўча». Бадий фильм. 21.45 Криминал хабарлар экрани. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.25 «Монстр». Ҳужжатли теле-сериял премьераси (Россия — АҚШ). 1-фильм — «Сталин ва ҳокимият».

УзТВ I

23.20—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

14 ШАНБА

УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Одам-амфибия». Бадий фильм. 9.35 Болалар учун теле-театр. «Уч оғани ботирлар». 10.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Узингни эр билсанг...» 11.25 «Ўзбекистон спорти». 11.55 «Алифбо сабоқлари». 12.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ». 13.25 Тижорат канали. «Тараққу». Телеочрак. 13.55 «Аёл қадрин». Хоразм вилояти хотин-қизлар фаолиятига бағишланади. 14.40 В. Гюго. «Қиролнинг дилхуши». Видео-спектакль.

УзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
«ОРБИТА IV»

6.25 «Рухни чиниктириш». 7.25 «Урмон эртаклири». Мультфильм. 1 ва 2-сериялар. 7.55 Янгилликлар. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.45 «Око» студияси таништиради: «Император Александр III ёдгорлиги ҳақидаги иш». Ҳужжатли фильм премьераси («Леннаучфильм»). 9.30 «Эрта саҳарлаб». «Денверд — динозаврларнинг энг охири». Кўп серияли мультфильм премьераси: 10.00 «Хозирча ҳаммаси жойида». 10.30 «Тонг юлдузи». 11.20 «Пи» белгиси билан. 12.10 «Бармоқлар қандай аралашиб қолишди?». Мультфильм. 12.15 «Қора кўрак от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 18-серия. 12.40 «Янги авлод таллайди». 13.30 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништиради: «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.40 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 14.30 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телевизион фильм премьераси. 5-фильм. 15.00 Янгилликлар. 15.15 «Технодом». 15.25 «Қойилмақом еттовлон». 16.20 «Уолт Дисней таништиради...» 17.10 «Телелогия». 17.20 Эфирда бевосита мулоқот. 18.00 «Савҳатчилар клуби». 18.50 Янгилликлар. 19.10 «Панорама». Ҳафталик халқро кўрсатуви. 19.50 «Биринчи мактабчи Исаниннинг ихтироси». Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия (М. Горький номли киностудия). 21.05 «Тосқа». Мейморчилик ёдгорликларида. РАИ телекомпаниясининг фильм-операси (Италия). 22.00 «Якунлар». 22.45 «Тосқа» фильм-операсининг давоми. 00.05 Янгилликлар. 00.45 «Деразадаги нур». Бадий фильм.

УзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
«ОРБИТА IV»

6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 Ишбилармон кишининг шайба тонги. 7.55 Янгилликлар. 8.30 «Спорт-команият». 9.00 «Марфон-15 — кичкинтойларга». «Бамси». Кўп серияли мультфильм премьераси (Швеция). 9.25 «Уз-ўзингга мадад бер». 10.05 «Тарихий этюд». Д. Хармс асарлари асоси



Бошлигимиз идорага чорлаб қолдилар.

— Ув, каллаварам! — деб ўшқирдилар, у киши саломимга алик олиш ўрнига столи муштраб: — Менинг устимдан шикоят ёзбсан-а, ноинсоф!

Нима қиларимни билмай қолдим. Бошлигимиз стол тортмасидан очиқ конвертни олиб, менга отдилар. Қай кўз билан кўрайки, кўлим билан ёзган

ғимиз дарҳол: «Кўяверинг, оғайни, чиқими олдиндан тўлаб кўйилган», деб гердаядилар. Шундай бўлгандан кейин камомадни қоплашим керакми, ахир? Агар оладиган маошимни хўжайиннинг ошналарига сарфлай десам, урвоқ ҳам бўлмайди. Ҳали ҳам «Санэпидстанция», савдо инспекциясидаги тафтишчиларнинг отасига раҳмат, гапга кўнадиганлардан экан... Пи-



— Домлажон, Қайниддин Хайриддиновга ёмон баҳо кўйибсиз-ку?!

— Қайси? Ҳалиги алифни калтак деёлмаган болами? Миясида ҳеч вақо йўқ-ку?!

— Домлажон, бу томондан ҳе-еҳ ғам еманг. Қайниддин Хайриддинович дарсларни билмасаям, ўқишни битиргандан кейин ўша биладиганларга бошлиқ бўлади.

Бир араб йигитидан сўрашибди: — Оғайни, сизларда овқат совиб қолди, деган гап қандай айтилади? Йигит ўйлаб ўтирмай жавоб қайтарибди:

— Бизларда овқат совиб ўтирилмайди.

Соддагина бир кампир қабулхонада ўтирган эди, бошлиқнинг бақирғини эшитиб қолди-да ўтирган еридан ирғиб туриб, котибадан сўради:

— Қизим, бошлиқнинг нимага бақираяпти?

— Бошқа шаҳар билан гаплашаяптилар, бувижон.

— Вой, тушмагур-ей, ўзини бунча қийнаб нима қилади? Тилпонда гапириб кўя қолмайдими?

Мурод ПАРПИХУЖАЕВ.

ПАТТА ҚЎЛИМГА ТЕГДИ

ҲАЖВИЯ

шикоят хатим. Фалакнинг гардиши терс айланишини қаранг, маҳаллий кўмита раиси номига текшириш учун юборилган хат мудиримиз кўлига тушибди...

Камина кўпдан бери район марказидаги ошхонада бош ошпаз. Тўғриси, ишим яхши, лекин... Хўрандалар ҳаққини юлиб қолаётганимдан кўп қийналаман. На илож, мажбурман. Нега дерсиз? Гапнинг индаллосини айтсам, чўтир рухсорли, бақа қорин мудиримиз ҳар куни тушда кам деганда уч-тўрт оғайнилари билан ташриф буюрадилар. Овқатнинг олди уларники. «Мантининг сарасидан бўлсин!» дейдилар. Кабобни-ку, олдиндан «особий» бўлишини тайинлаб кўйганлар. Мабодо, ошналарида бирови чўнтагига кўл суқмоқчи бўлса, бошли-

шираётган таомларимизни текшириб кўришса борми, «Каллорияси етишмайди, гўшти бунча кам, ёғдан тортибсиз», деб ишимизнинг пачавасини чиқариши ҳеч гапмас. Лекин бундай ҳимматли текширувчи дўстларимиз кўнгиллари тусанган пайтда ошхонамизда ҳозир нозир бўладилар.

Ахир, мен ҳам оиламни тебратиб туришим керак. Нонхўр кўп, жўжа-бирдай жонмиз. Нима қилай? Азбаройи ўзимни оқлаш важидан эмас, кўли эгрилик жонимга текканидан мудиримиз устидан юқорига хат ёздим.

Шу мажородан кейин орадан ҳафта ўтди. Каминанинг «патта»си кўлга тутқазилди. Ана шунақа, рост гапни айтиб бўлмайди.

Саид РАВШАНОВ.

МУСАҲҲИХ ЕН ДАФТАРИДАН

Синалган қушлар (кучлар). Эрнинг шўри ювилмоқда (Ернинг).

Отлик асар келди (аскар). Экишга қарши кураш олиб борайлик. (Чекишга).

Сенинг ишинг бутун (тишинг). Талабага меҳнатсиз эришиб бўлмайди. (ғалабага).

Учирма гап (кўчирма гап). Жиноятчилар уй эшагини уриб йиқитишди (эгасини).

Ҳийлақашлар фабрикаси (пиллақашлар).

Ҳ. ОТАҚУЛОВ.

ТАРБИЯЛИ ОДАМ

Автобусда бир киши ёнида ўтирган йўловчига бўғилиб деди:

— Тавба, қаранг, ҳозирги ёшлар сираям тарбия кўрмаган-да. Улар ўлгудай сурбет.

— Сиз улардан ўринсиз ранжияпсиз, — деди унга жавобан йўловчи. — Тарбия кўрганидан анави киз сизга ўз жойини бўшатиб берди-да.

— Тўғри, мен-ку ўтирибман, аммо ҳомиладор хотиним шўрлик тик туриб кетяпти-да!..

Тўпловчи: Турсунбой МАҲМУДОВ, Фарғона шаҳри.

МАТЕРИАЛ

Бир киз философиядан имтиҳон топшираётганида домла сўради:

— Материя бирламчи-ми, ё онг?

— Албатта, материал. Домла студент киз гарчанд нотўғри талаффуз қилган бўлса ҳам тўғриламай қани нима деркин деб, — яна сўради.

— Нима учун? — Шунинг учунки, яхши материали бўлган одам онги бўлмаса ҳам бичиқчига яхши кийим тиктира олиши мумкин.



Узоқ сафар олдиан.

Нўмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«ИШОНЧ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

«ИШОНЧ»га обуна бўлиш муддати 20 ноябрғача узайтирилди. Утган давр давомида газетага дўст тутинган неча минглаб ватандошларимиз «Ишонч»га обуна бўлиб бизни мамнун этдилар. Лекин сафларимиз яна ҳам кенгайиши керак. Утиб бораётган ҳар бир соат, ҳар бир кун ғанимат. Янги йилнинг дастлабки ҳафтасиданоқ «Ишонч»ни ўқийман деган киши шу ғанимат дамларда унга обуна бўлиши керак.

УНУТМАНГ, «Ишонч» сизга яқин маслаҳатчи, ишончли дўст. У ҳар қандай саволингизга жавоб беради, қийин дамларда қўллаб-қувватлайди, ҳақ гапни айтади. Ке-

линг дўст тутинайлик. Обуна учун бугун Сиз сарфлайдиган маблағ эртага хонадонингизга бир олам зиё бўлиб қайтиб келади. Зиё учун, нур учун борлигимизни тиксак арзийди, азизлар!

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР
УЧУН йиллик обуна нархи 208 сўм 80 тийин.
(нашр кўрсаткичи — 64560)

ҚОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН
ГАЗЕТАНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ
312 СЎМДИР.
(нашр кўрсаткичи — 64561)



Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АҚРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТУЛАГАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.



- Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
- Масъул котиб — 56-52-78
- Котибнинг — 56-87-59

БЎЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-78; 56-87-73.

● Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-63.
● Бездатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик — 56-55-85.

ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-63-64;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-59;
- Урганчда — 6-87-82;
- Фарғонада — 4-47-73;
- Қаршида — 5-33-71.

● Муҳарририятга келган кўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кунини Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат кўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.



СОТУВДАГИ НАРХИ 2 СЎМ.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 6 ноябрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:
Турғун Назаров,
Тожибой Алимов.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» газетаси кўчаси, 24 -уй.

● Буюртма Г-481

● 101210 нусхада босилди
● Ўзбекистон Республикаси «Шарк» нашриёти-матбаачилик концернининг босмаконаси, Тошкент шаҳри.